

Жадид

2025-yil 7-mart  
№ 10(62)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rify va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

ТАҲЛИЛ

## КОРРУПЦИЯ – КЕЛАЖАККА ТАҲДИД



Хабар берилганидек, 5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиб бўйича миллӣ кенгашнинг коррупциянинг олдини ошиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалрга бағишланган кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбари томонидан тилга олинган мухим масалалар коррупцияга тоқатсиз бўлган ҳар бир юртошимизни бефарқ қолдирмаслиги табии.

### ҚАМРОВ

Президент маърузасининг коррупция билан боғлик қамрови шу қадар кенгки, ҳатто, амалдаги қонунчилигимизда коррупциявий жиноятларнинг аниқ рўйхати йўқлигини ҳам билиб олдик.


### КОРРУПЦИЯ НИМА?

Очигини айтганда, бугун ҳамма ҳам бу хақда аниқ-тиник тасаввурга эга, деб хисоблаш жуда қийин. Чунки...

Бир ота торроқ даврада: "Ўғли жойда ишлайди", дебди. "Қаерда экан?" сўрашибди даврадошлари қизиқиб.

### ТАЛҚИН

#### НАМОЗМИ ЁКИ НИЁЗ?



"Хамса" – ҳазрат Навоийдан энг буюк ёдгорлик. Унда достонларда хотин-қизлар тимсоллари ёрқин тасвиrlанган, илм-маъриф бобида уларнинг эрకалардан асло кам эмаслиги ўз ифодасини топган.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЖАДИДИ

Биринчи достон бўлмиш "Ҳайрат ул-аброр"нинг 25-боби – "Иброҳим Адҳамнинг Каъбага намоз била боргони ва Робиаи Адевияга Каъбанине ниёз била келгани" деб номланиб, ҳикоят келтирилади. Унда Робиа ал-Адевия тимсоли яратилган. Воеасига кўра, Шайх Иброҳим Адҳам Макка зиёратига йўл олади. Каъба жойлашган катта чўл бошланганида у ҳар қадамда жойнамоз солиб, иккি ракъатдан намоз ўқиди. Шу юриш билан у йўн тўрт йил дегандага Маккага етиб боради. Саҳрораги ҳар бир гиёҳ тилга кириб, унча мадҳ этади. Лекин шунча заҳмат чекиб етиб келса, Каъба жойида йўқ эмиш.

Шайх оху фифон чекади. Шунда Хотиф фариштадан овоз келади, Каъба зиёратига келаётган бир аёл Аллоҳга шавку муҳаббати юки оғирлигидан қадди бўклиб, бетоб бўлиб колгани учун Каъбанинг ўзи унинг зиёратига кетган.

Бу заифа – Робиа ал-Адевия эди. Кейин Робиа билан Иброҳим Адҳам ўзаро кўришишади. Униси бунишини мақтайди, буниси унисини... Охири, Робиа гапнинг пўсткалласини айтади.


Робиа деди ана: "Оғоҳ бўл, –  
Ким неча йил бодияда борча йўл.

(Давоми 6-саҳифада).

### МИЛЛАТ МУЛКИ

## "ДУНЁДА ТУРМОҚ УЧУН ДУНЁВИЙ ФАН ВА ИЛМ ЛОЗИМДУР"

Тайинки, ҳар қандай ҳуши ўзида бўлган инсоннинг, ҳамиятила вакъф-мас қавмнинг, оқ билан қорани фарқлай билган элнинг энг эзгу орзуси эркотлиг тансикдан тансик неъматга ноил бўлмоқдан иборат. Айнича, агар қарамлик, истибод деган бўйинтуруқ шафқат деган тушунча тамоман бегона бўлганида, мазкур орзу-армон оловга, алангага айланади. Ўтган асрнинг ибтидоларида Туркистонда элнинг эрки ана шундай даҳшатли бўйинтуруқ исканжасида эди. Тарихнинг мураккаб бир паласида, XX аср бўсағасида Туркистон жадидларининг чинакам йўлбошчиси ҳазрат Маҳмудхўжа Бехбудий элни эркка элтмоқдай улугвор ва муҳташам ният билан тенгисиз кураш майдонига кириб келди ва бениҳоя қамровли фаoliyatining бошлиди. Бу фаoliyatning нақд натижалари тадқиқотчилар, турли соҳа вакиллари томонидан холос ва илмий жиҳатдан жиддий ўрганилган ва юқсак баҳоланганд.



(Давоми 3-саҳифада).

### ФАХР

## Юқсак орзулар оғушида

Инсон ўз олдига аниқ мақсад ўйиб, шу йўлда астойдил ҳаракат қўиса, албатта, ўз ниятига ёрсан экан. Мен ҳам ўн йил дегандан ниҳоят, Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим. Президентимиз қарорига биноан ана шундай юқсак мукофот билан тақдирланганлар сафида ўзимнинг ҳам исм-шарифимни ўқиб кувончдан кўзларим ёшга тўлди, қалбим ғурурдан энтиқди. Ана шу сурурги дамларда онажонимнинг хис-ҳаяжонини бир кўрсангиз эди!



Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ кўнглимда тадбиркорликка қизиқиш уйғонган. Коллеж ва университетда таҳсил оләтган пайтларимда бу йўналишда турли семинар ва ўкув машғулотларида иштирок этиб, ўз бизнес лойиҳаларим билан қатор танловлардағо болиги бўлганман.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантишишга катта эътибор қартила бошлагач, мен ҳам ушбу йўналишда тадбиркорлик билан шуғуланишга қарор қилдим. Майлумки, Ангрен шахри Чотқол ва Куркама төғ тизмалари этагида жойлашган. Унинг атробидаги шарқироқ сойлар, куюқ қарағайзор ва арчазорлар, осмонулар чўйқилар туризм соҳасини ривожлантириш учун жуда ку-

сил билимимни ошириб бордим. Таникли тадбиркорларнинг бир қатор лойиҳаларида қатнашиб, уларнинг кўмакида маркетинг йўналишида ишлаш кўнимисига эга бўлдим.

Айни дамда биз маҳалламиздаги 30 дан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаганимиз. Улар орасида "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчи инсонлар ҳам бор. Айни кунларда Ангрен тогларида эко ва спорт туризмини ривожлантириш лойиҳаси устида ишляпмиз.

Мен Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишнинг аҳамияти ҳамда масъулиятини яхши англаймай. Шунга муносиб бўлиш учун бор билим ва тажрибамни ишга солиб, янги-янги гояларни рўёбга чиқариш, шу орқали эко ўринларини кўлайтиришга ҳаракат қиласман. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Нафъинг агар ҳалқа бешакодурур,  
Билки, ба нафъ ўзунгга кўпракодурур.

Ойша ЎРОЛОВА,  
Ангрен шахридаги  
"Yangiobod – kelajak sari"  
оилавий корхонаси раҳбари,  
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН

## "САОДАТ"

... Асрлик умр бир журнал учун – буюк давар. "Саодат" шундай улуғлика етди, муҳташам юз ийлликнинг баракотини кўрди. Қоғозлар катида тақдирлар сувратини, кечинмалар тасвирини чизди. Аёли бор ўзбаки хонадонларнинг ҳаммасига муҳиб бир кўй каби сизиг кирди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон хотин-қизлари жамиятнинг хур дамини тасдиқловчи мухим ҳужжатта айланди...



(5-саҳифада ўқинг) ➤

БУГУННИНГ ШЕҶРИ



Сенга фақат шодлик ярашар бугун,  
Менга кўчиб ўтсин дилда бор ғаминг.  
Қара, гуллар териб келдим сен учун,  
Онажон, бу байрам – сенинг байраминг.

Кўксим куйиб кетар кўзинг ёшланса,  
Бир бора жилмайсанг, тоф бўлар кўнглим.  
Гул каби очилиб баҳор бошлабсан,  
Бу байрам сенини, беғубор синглим.

Опа бўлиб бир бор койиганинг йўқ,  
Ука бўлиб кўнглинг сўролдим қаҷон?  
Бепарво шоирнинг гуноҳидан ўт,  
Бу байрам сенини, мунис опажон.

Юрсангиз шамоллар изингиз излар,  
Кулсангиз кўксимда ёришар учқун.  
Парирхсор қизлар, фаришта қизлар,  
Бу байрам сизники, сизники бу кун.

Сиз борсиз, ер дилбар, само ҳам гулгун,  
Сиз борсиз – ҳаёт бор, бордир ҳаёллар.  
Минг бор қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин,  
Бу байрам сизники, азиз аёллар!

Ифтихор ХОНХЎЖАЕВ



# КОРРУПЦИЯ – КЕЛАЖАККА ТАХДИД

Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳолбуки, муқаддас ислом таълимотида ҳам, бой миллий меросимида ҳам, демоқратик жамият қонунларидан ҳам ҳеч кимга бойлигини дабдабабозлик ва ҳашамат тарзида пеш қилишига изн берилмайди.

“Энг ачинарлиси, бунга таникли шахслар бошкөш бўляпти, одамлар уларга тенглашаман деб ўзини “ўқка-чўқка” урятти. Бу борада айрим раҳбарлар ўзининг камтарона турмуш тарзи билан барчага намуна бўлиш ўрнига, бундай соҳта қадриятлар асирига айланниб, ноқонуний даромад тошишга интилаётгани ҳам бор гап”, деди яна Президент.

Шу боис давлатимиз раҳбари парламент паталари, маҳаллий кенгашлар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла раислари, нуронийларни бу масалага бошкөш бўлиб, аҳоли орасида тушуниши ишларини кучайтириша қақири.

Чиндан хам, тўй-ҳашамларимиздаги дабдабалар жамиятимизда носоглом мусобақага айланниб кетяпти. Бу бунга курби етмайдиган орномусли ишиларни руҳан оғир ахволга солиб кўйяпти. Ҳатто, кўпчилик буни онги жаҳтининг асл мазмуни даражасида билиб, топган-тутганинг катта қисмини шунга сарф этиши исрофдан бошқа нарса эмас. Айни шу мақсадлар учун коррупцияга кўл ураётганлар ҳам топилади.

Давлат раҳбари бир йилда халқимиз кўлидаги 43 миллиард сўм маблағ шу дабдабаларга сарфлананини айтди. Бир қаламакш сифатида: “Бунга неча китоб сотиб олса бўлади? Нечта китоб чиқариш мумкин? Қанча уй-жой курилади? Борингки, қанча техника, ишлаб чиқариш куроплари сотиб олиш имкони бор?” деб ўйлаб қолдим.

## 35 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ТОРТ

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқандда бир тўй учун 3 ҳафта мобайнида тайёрланган баландлиги 4 метр келадиган 35 минг АҚШ долларлик торт кўрсатиди.

Бир томони – демократия: ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Иккинчиси – бозор иктисодиёти: топган пулини нимага сарфлаш – ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Шунинг учун қонунан бунга қарши ҳеч қандай чора кўриш имкони бўйламаслиги мумкин. Лекин “жамоатчилик фикри” деган тушунча ҳам борку.

Биринчидан, бу дабдаба билан тўй эгаси нимани исботламоқчи? Нимани кўз-кўз қилмоқчи? Иккинчидан, бир тўйда үйдан ҳам катта торт иштеймол қилинармикан? Учинчидан, торт кургурни бир кундан кейин есангиз, заҳарланишингиз мумкин. 21 кун мобайнида тайёрланган тортигинг саломатлики зарари сарфлаш ким кафолат беради? Ҳеч бир давлат идорасининг тўйхоналарда тортилаётган ноз-неъматнинг санитария-гигиена талаблари мос келиш-келмаслигини назорат қилиш хуқуқи йўқми? Ахир, тўйга шу давлат фуқаролари келади-ку.

Саволлар кетидан саволлар ёғилаверади.

## НЕГА ЯНА ОРҚАГА ҚАЙТИДИК?

Ковид пандемияси башарият бошида оғир синов эди. “Ҳар ёмоннинг бир яхши тарафи бўлуди”, деганларидек, ўша даврда тўй-маъракалар биноидек ихчамлашиб қолган эди. Бир оғайнинг ўша кунлари ўғлини кам киши билан тўй қилиб, ўйлантириб, шу мақсадда олдиндан ўйқан маблагига келин-куёв учун кредитга қиси хонали янги ўй олиб берганини айтиб, қувонган эди.

Афуски, ковидни унута борганимиз сари тўй-маъракалардаги тежакорликни ҳам яна эсдан ҷаҳдик. Ҳашамдорлик ва дабдабабозлик қайтадан катта иллатга айланниб ургурди. Бугун тараккиётимизга тўсик бўлиб турибди.

Тўй-маъракаларни ихчамлашириш борасида бир асрдан бўён курашилади. Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмидор Саид Олимхон бу борада қаттиқ фармон ҷаҳдикларни ҳам яна оғайнинг ўйнини келин-куёв учун ҳовчулаб гавҳар соҳимоқдан ҳасислик яхширок, деб ҳисоблайди. Шоир оч қолиб, бойларга дастурхон ёзадиганларни ҳам қаттиқ қоралайди:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,  
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

От анга тортарки, юз илқиси бор.

Элга тўй-томоша қилиб бериш учун нукул тамагирлик пайдан бўлиб, ҳалқ бойлигини кўз олайтирган кимсаларни ҳам қоралайди:

Бергали олмоқ ишидин бўл ўироқ,

Бермак учун олмаганинг яхширок, –

деди. Бу байт кулокларимизда худди бугун

айтилгандек жараглаётганига қойил қолмай илоҳ йўк.

Илм-маърифатга юксак эътибор берилаётган ҳозирги замонда биз пешона тери билан топган маълагимизни тўй-томошага эмас, фарзандларимизнинг келажак, илим олиши, замонавий касб-хунарларни ўрганишига сарфлайлик. Тўй-хашам дабдабабозлиги мусобақасини илм-маърифат мусобақасига айлантирайлик.

Эҳтимол, айтиш нокулайроқdir, лекин раҳматли ота-онамизнинг зурриди келин-куёвлари орасидан 19 та диссертация ёқланди. Шунинг 16 таси 2018 йилдан кейин, яни Ўзбекистонимизда илмий даражалар олиш учун диссертациялар ёқлашнинг оқилюн тизими юратилганидан кейин ҳимоя қилинди. Ахир, шунгача амалда мамлакатимизда диссертация ёқлаш боши берик кўчага кириб қолган, илмий даражаси бор кадрлар дефицити авжига чиқиб улугурган эди.

Президентимиз қайта-қайта ўқтириб келаётганидек, жамиятни илм-маърифатигина олға етаклайди. Бошқа нахот йўли йўк.

Мамлакатимизда илм-маърифат мусобақаси бошланган. 2024 йили мактабларимиз битирувчиликнинг олий таълим муассасасига кириш рейтингин ўтказилди. Дастилки 20 та ўринни эгаллаган мактаблар эълон килинди. Масалан, Қизилтепа туманинг 25-мактаб битирувчиликнинг 90 фоизи, Навбахор туманинг 30-мактаб битирувчиликнинг 87 фоизи, Оқдарё туманинг 52-, Асакадаги 11-, Чустдаги 52-, Физдувондаги 63- ҳамда Пахтаободдаги 21-мактаб битирувчиликнинг 85 фоизи олий таълим муассасасига ўқишига кирган.

Бу қандай гўзал статистика!

Бизнингча, шу мактаблар, шундай илғор туман ва шаҳарлар таърибаларини мамлакат бўйлаб оммалаштириш, ҳар йили шундай мактаблар, туман ва шаҳарларни рабатлантириш лозим.

## ЭШИҚДАН ҚУВСАНГ, ТЕШИҚДАН...

Коррупция – шундай шайтоний иллатки, уни эшиқдан қувсанг, тешиқдан киради. Яъни, унга қарши курашни бир кун ҳам тўхтатиб бўйламиди. Даъват коррупциянинг томирини қиркини керак. Аниқроги, оқибатни эмас, сабабни ўйқотиш лозим. Бу худди касални даволаш эмас, унинг олдини олиши ўхшайди.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари: “Барчамиз яхши тушунмиз, коррупцияга қарши кураш жараёни ҳеч қачон аниқ муддат билан чекланмайди”, деди.

## ТОЗАЛАНАЁТГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ҳалқ сифатида коррупцияга қарши курашнинг дастилки ширин меваларини тотяпмиз.

Бир ҳакиқат шуки, жамиятда нима камчил, яъни дефицит бўлса, коррупцияга кенг йўл очилди. Яқин йилларда битирувчиликнинг 9 фоизигина олий таълим муассасасига кириш имконига эга эди. Бу, табиики, ўқишига кириш жараёнидаги коррупцияга кенг йўл очди. Кейин “супершартнома” номи билан пораҳўрликнинг иккичи “босқичи” авж олдирилди. Ўқиши жараёни деяни яни қичик пораҳўрликлар ҳам тўхтамади.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашни бир неча муҳим қадамлар ташланди. Биринчиси – кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Хорижий олий таълим муассасаларни филиаллари очилди. Учинчиси – абитуриент кириш тестини топширганидан кейин амалда бир эмас, бир йўла бешта олий таълим муассасасига кириш имконига эга бўлди. Яъни, тўплаган балиси шаклини ташкилотларни ташкилотларига кенг йўл берилди. Хусусий сармоя олий таълим муассасаларни кириш имтиёзларига келиб кўпайди. Кечагина мактабатдаги жамият олий таълим муассасалари сони 65–70 тани ташкил этилди. Бу – олий таълимни ташкилотларига келиб кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашни бир неча муҳим қадамлар ташланди. Биринчиси – кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл тўпломмаган абитуриентларга биринчи ўқув йили учун нисбатан каттарго шартнома миқдори белгиланди. Бу ҳам балл қанча етмаганига қараб ошиб ёки камайиб борадиган қилинди. Иккинчиси – квотапар оширилди. Даъват олий таълим муассасаларни сони ҳам кўпайди.

Кейини йилларда олий таълим муассасаларни кириш учун етариғи балл



# Қаршиимда шовуллаб оқар бир дарё



Кутлибека РАХИМБОЕВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

## ҚУВОНЧ

Тоғлар елкасига сиғмаган ирмоқ –  
Сасидан сукунат эшиги синди.  
Рангинг чечакларга айланди тупроқ,  
Заминнинг чирой энди билинди.

Куёшники бўлди бепоён само,  
Нурларнинг йўллари узайди.  
Орзули-ҳавасли кунлар беором  
Новдаларни гуллар билан безайди.

Илдизидан бошлаб учига қадар  
Гул тўуби кетди оғочлар жисми,  
Богларда адашиб қолди шабада,  
Рангидан мастими ё бўйидан мастими?

Офтобнинг анхорга чизган нақшини  
Мажнунот кун бўйи кўриб тўймайди.  
Юксакда кўйламоқ шунча яхшими,  
Одамлардан кўпроқ кушлар кўйлади.

Яна ўз ранглари қайтган бағрингда,  
Юртим, кўнглим тўуби юриб қувондим.  
Яна куз заҳмати, қишининг заҳридан  
Омон чиққанинг кўриб қувондим.




Фарида АФРУЗ,  
“Дўстлик” ордени соҳиби

Кўкраб кетди  
Кўксимдаги наизалар,  
Гул очмоқда  
Кипригимда майсалар,  
Бир бор келар,  
Минг йилда бу лаҳзалар,  
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.

Энтиқади,  
Юрагимдек дарёлар,  
Ҳар куртакда  
Купар бўлди дунёлар,  
Қордай бугун  
Эриб битди рўёлар,  
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.

Кундуз билан  
Тунлар бугун тенглашар,  
Мусичалар  
Бир-бировин “сиз”лашар,  
Ва ниҳоят,  
Ошиқ диллар тиллашар,  
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.

Сен баҳона  
Ғунча кўнглим очардим,  
Ёр пойига  
Атир сўзим сочардим,  
Бошим олиб,  
Ўзим ўздан кочардим,  
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.



“  
Дунёда иккى кудратли куч бор – бирি  
килич, яна бири зея калам. Улар ўртаси  
даги ракобат ва кураш шиддатли. Лекин  
улардан ҳам кудратлироқ яна бир куч бор  
– бу кўлига калам олган аёдир.  
Мухаммад Али ЖИННА



Акшагул ТУЛЕГЕНОВА,  
“Эл-юргут ҳурмати” ордени соҳиби

## ЖАДИД АЁЛЛАР

Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар,  
Сизни чарчатдими ҳадик, хаёллар.  
Сизни ўлдирдилар кўзисиз жаҳолат –  
“Эгасига итдай содик аъёнлар”...  
Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар.

Сиз миллатнинг фахри, гул-лолалари,  
Хайринисо, Мариям, Дилоролари,  
Золим замонанинг диллоралари,  
Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар.

Ўн етти ёшида Матлуба хоним  
Кўтармоклик учун аёлнинг шонин  
“Эзилган миллатим” деб, эзган жонин...  
Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар.

Сиз юртнинг онаси, волидалари,  
Тилда, фикрда, ишда комиллари.  
Ойбекни кашф этган олималари –  
Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар.

Давр келди, аммо йўқдир ўзлари,  
Жадид туркумида ўтлиғ излари,  
Шундан юзи ойдин ўтлиғ-қизларин,  
Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар!

Армоним шу: сизни кўргим келди,  
Енгингиздан тутиб юргим келди,  
Пойингизга бошим ургим келди,  
Эҳ, жадид аёллар, жадид аёллар!



Зебо МИРЗО,  
“Шуҳрат” медали соҳиби

Азизим,  
Не учун майса эмасмиз,  
Еллар ўлганида сўйкалиб ўтган.  
Не учун, не учун дараҳт бўлмадик,  
Илдизи, шоҳлари чирмаши кетган.  
Ариқлар бўйида гиёҳдек ўссак,  
Сувларда тушимиз эшилармиди?  
Адиrlар ортида шамол бўлсайдик,  
Кўкларда руҳимиз кўшилармиди?  
Нечун мавжудмизу, нечун йўқдаймиз?  
Бармоқлар учида нозик бир титрок,  
Нағаслар кўшилиб турганда, нечун  
Оловлар ичиди жим кутиб турмок.  
Нечун пиноқларга тираалар кўзим  
Кўкка суюнгандай суюнломайман.  
Нечун кўлингизда лоладек ухлаб,  
Кўксингизда тондем уйғонломайман...

Не учун ҳаётим бу қадар саҳро,  
Нечун юрагимда бу қадар зорлик,  
Қаршимда шовуллаб оқар бир дарё,  
Бир томчи сув сўраб ўтиномайман...  
Азизим,  
Не учун инсон яралдик,  
Кўнглимиз сиғмаса еру самога?  
Оҳ, энди шу қадар мұхаббат билан  
Биз қандай яшаймиз бу тор дунёда?  
Биз нечун яралдик ёлғон дунёда?  
Азизим, не учун майса эмасмиз?



Мехрибон АБДУРАҲМОНОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## ҚИЗЧА, ҚҮЁШ ВА ЎЛДУЗЛАР ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Тун.  
Чигиртка чириллар тинмай,  
Онда-сонда итлар хуради.  
Ғайир сочи қот-кора қизча  
Баҳт ҳақида тушлар кўради.


Тушларини ёритади ой,  
Супра юлдуз ясади кулча.  
Қўриклияди Етти қароқчи  
Қизчани то тонг отгунича.

Топширади тонгга соғ-омон,  
Қўёш чиқар майин эркалаб.  
Юзларини ювар шудринглар,  
Кушлар куйлаб берар эрталаб.

Куни билан ўйнар кун билан,  
Бузогининг ортидан чопиб,  
Чап кўксига яшириб қайтар,  
Ботаётган қўёшни топиб.

Сўнг ухлайди кунни қуҷоқлаб,  
Супра юлдуз ясади кулча.  
Яна қўрир Етти қароқчи  
Қизчани то тонг отгунича.

Тонглар отар, мусаффо, оппоқ  
Ёндуларга тўпар эртаси.  
Асра доим, она табиат,  
Озод юртнинг озод эркасин.




Наргиза ОДИНАЕВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Men ўзим томонга қараёлмайман,  
Юрак бетгламайди сен ёқларга ҳам.  
Туя бўйнидаги қўнгироқдайман,  
Йўлларга тўкилиб боярпман кам-кам.

Кушлар осмонидан тақрор ўтолди,  
Сочларим раҳйонга айланолмади.  
Бир улкан исмлар қафтимда толди,  
Замин изларимни ёдлаётмади.


Оғриклар – мўъжиза, сукут – катта сир,  
Ҳар заррам юракка айтланиб турдим.  
Фасллар рангларда тақрор келгандир,  
Мен эса бир тушни бир марта кўрдим.

Ёмғир, шамолларда ўйнайвераман,  
Туя саҳроларга манзил солади.  
Муаллақ лаҳзаман, номсиз эраман,  
Қўёш томогимда қотиб қолади.



Хосијат РУСТАМОВА,  
Ўзбекистон ва Озарбайжон  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Балки хотирангда қолган... қолмаган,  
Балки Сен учун ҳам армон ўша он.  
Ўша кун нигоҳлар гапиролмаган –  
Сўзлардан қочолмай юрибман ҳамон.  
Ҳар куни эринмай тонг отар оппок,  
Ҳар куни тап-тортмай келаверар тун!  
Ҳар шоҳ уялмасдан ёзганда яроқ –  
Менинг ҳаёлларим тортади маҳзун.  
Ҳар лаҳза ёдимга солар баҳорни,  
Ҳар лаҳза ёдимга тушар ўша куз.  
Ийиллар курғаңда сочимдан ҳорни,  
Сен менинг дунёмда қолсан ёлғиз!  
Қўзимдан тўкилган ҳар улкан томчи!  
Балки... Хотирангда қолган... Қолмаган...  
Балки Сен учун ҳам ўша кун армон.  
Ўша кун нигоҳлар гапиролмаган –  
Сўзлар билан яшаб юрибман ҳамон!



Гулҳаё АНОРОВА,  
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби

Мен жим кузатаман онам умрини,  
Бир ёдгорлик каби турар мунғайб.  
Лавҳига қиртишлаб битилган ёзиқ  
Рангизис фаслларда бўлдилир ғойиб.

Мен жим кузатаман онам умрини,  
Үйкиси адашган күшлардай беҳол.  
Кўзлари киртаянган,  
Ранги униқкан  
Гуллардек ифорин билмас эҳтимол.

Мен онам умрини кузатаман жим...  
Ёмғирга жом бўлар чумоли ини.  
Ҳар оқшом бокира ўрмон кўйиндан  
Кўзларинг излади қандай афсунни?

Мен жим кузатаман онам умрини,  
Анҳордай шовуллар оломон бесар.  
Сенинг-чи, кўксингда ураётир бонг  
Инсон англаши ман этилган ҳислар.

Мен жим кузатаман онам умрини,  
Болангман юпанчга журъат этмаган.  
Рўмопинг четидан сирғалган гариф  
Сочларинг ўтмишдир кўлим этмаган.

Мен жим кузатаман онам умрини...



Шоирә ШАМС,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Келур савсан қадин тог айлабон ул навбаҳор ичра,  
Дилида ишқ-у илкида тутиб гул навбаҳор ичра.


Сахар афғони бирла олам аҳлин уйғотиб эрди,  
Яна авжи тараннум бирла булбул навбаҳор ичра.





## Бошланиши 1-саҳифада.

Бўлди ишинг ариз намоз айламак,  
Шеъва манга ариз ниёз айламак.  
Санағ самар берди намозу риё,  
Бизга бу бар берди ниёзу фано".  
"Ниёзу фано" дегандан ҳеч қандай ман-  
фаатни ўйламай, ҳамма нарсани унтиб,  
дунёдан ҳам кечиб, қалбининг тубидан  
Аллоҳ васлини ялинин-ёлвориб сўраш ту-  
шунилади. Иброҳим Адҳам эса Худога кўп-  
роқ ёкин учун ҳар қадамда икки ракатдан  
намоз ўқиди. Худога интилишнинг худди шу  
икки бир-бирига зид йўлиуни қиёслаб, Ҳаз-  
рат Али бир ажаб ҳикмат айтган ва уни Навоий  
ўзбек тилига қойилмақом ўтирган:  
Тоат кўпидин маърифат ози яхши.



Бу ерда "маърифат" сўзини "илм-маъри-  
фат" маъносида эмас, "тасаввuf" тариқа-  
сида тушуниш керак. Тасаввuf эса Аллоҳ  
таолога ошиқлик, унинг васлини тилашни  
англатади. Демак, кўп тоат-ибодат қилган-  
дан Худони кўпроқ севиш афзалроқ экан.

Бу ерда шоир риё билан, яны кўз-кўз қи-  
либ ўн тўрт йил ҳар қадамда икки ракатдан  
намоз ўқигандан кўра чин дилдан Аллоҳга  
ниёз қилишнинг устунлигини таъкидлайди.  
Шу тариқа Робиа ал-Адавиянинг бу сидди  
Иброҳим Адҳам ибодатидан устун келгани  
аён қилинган.

Хўш, нега аёл авлиёнинг йўлини ёркак ав-  
лиёнинг йўлидан устун кўрсатилди? Савол-  
га жавобни яна Навоийнинг ўзидан – унинг  
бир қитъасидан топамиш. Ҳазрат Али на-  
срий ҳикматнинг ўзбекча шеърий таржимаси  
асосида битилган бу сатрларда сўзни ким  
(эркамни ёки аёл) айтиётганига эмас, балки  
нима деягтанига ётибор бериш лозимли-  
ги утирилди:

Чун гараз сўздин эрур маъни анга,  
Нокт ўлса коҳ хотун, коҳ эр.  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,  
Кўрма ким дер они, кўргилким, не дер.  
Демак, Аллоҳеа ибодатда банданинг  
жинсига эмас, унинг аъмолига қаралади,  
дейилмоқчи.

**"ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ" БОШ  
ҚАҲРАМОНЛАР**

"Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун",  
"Сабъай сайдер" достонларида икки бош  
қаҳрамондан бири, яъни Ширин, Лайли ва  
Дилором – аёл.

**ЖАҲОН АЙВОНИДА****МАКРОН ТИНЧЛИК  
ШАРТНОМАСИГА  
ҚАРШИ ЧИҚДИ**

Франция президентининг таъкидла-  
шича, тинчлик "ҳеч қандай нарх эвазига  
ва Россия тазилики остида ўрнатилиши  
мумкин эмас, шунингдек, осоиштишлик  
Украинанинг таслим бўлиши билан ҳам  
содир бўлмайди".



У Европа қўшиларини Украина ҳудудига  
жойлаштириш таклифини илгари сурди.

Келгуси ҳафта Франция "Украинада ке-  
лажақдаги тинчлики кафолатлашга" тайёр  
бўлган мамлакатларнинг ҳарбий қўмондо-  
нини тўплайди.

**БОШ ШИФОКОР БИР МИЛЛИАРД  
РУБЛЬ ЎГИРЛАБ, ҚОЧИБ КЕТДИ**

Ҳозирда уни мамлакат Ички ишлар  
вазирилиги қидирмоқда. Татьяна Суров-  
цева Санкт-Петербургдаги 20-сонли ши-  
фохона раҳбари бўлган.

**ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИГА  
БОМБА ТАШЛАНДИ**

"Рёнхап" агентлигининг хабар бери-  
шича, Жанубий Корея ҳарбий-ҳаво куч-  
ларининг қиуруви самолёти АҚШ билан

2020 йил Суровцева "Санкт-Петербург  
аҳолиси фаровонлиги йўлидаги фидокоро-  
на меҳнати учун" номинациясида "Олтин  
шер" мукофотига сазовор бўлган эди.

**ТАФАККУР МАҲОРАТГА  
ЭРИШИБ БЎЛАДИ**

Хозирда уни мамлакат Ички ишлар  
вазирилиги қидирмоқда. Татьяна Суров-  
цева Санкт-Петербургдаги 20-сонли ши-  
фохона раҳбари бўлган.

# ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЖАДИДИ

Ширилнинг илм-маърифати, ақл-фа-  
росати юксак даражада эканига амин бў-  
ламиш. Достоннинг 35-боби. Фарҳоднинг  
Мехинбону саройида меҳмон бўлиши тас-  
вири. Зиёфатда Ширилнинг ҳар бири бир  
фан соҳасида кирой камолот касб этган  
ун канизи ҳам қатнашади.

Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,  
Бори ҳам сарвомат, ҳам гуландом.  
Бўлуб Ширин бисотининг надими,  
Алардин хуш Мехинбону ҳарими.  
Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,  
Махорат шеваси ҳар бирда зоҳир.  
Бури ашъор баҳри ичра гавесо,  
Бури адвор даври ичра раққос.  
Бури мантиқ русумида рақамкаш,  
Бури ҳайъат рукумига қаламкаш.  
Бирининг шеваси имли ҳақоқи,  
Балогатда бури айтиб дақоқи.  
Бури тарихда сўз айлаб фасоқи,  
Бури ҳикмат фани ичра ягона.  
Ҳисоб ичра бирининг зеҳни бориб  
Муаммоди буриши оти чиқори.  
Бу фанларда булат бир-бирдин аҳсан,  
Юз ул фанлик аро ҳар қайси яқфан.  
Дилорому Дилорою Дилосо,  
Гуландому Суманбую Сумансо.  
Паричехру Паризоду Париваш,  
Парипайкар – зижу ўн исми дилкаш.



Бу парча таҳлилида бир муҳим нуқтага  
апоҳида дикқат қаратишими зарур. Яъни,  
ўн қизнинг шеършунослик, мусиқа назария-  
си, мантиқ, астрономия, тасаввuf, балоғат  
(поэтика), тарих, фалсафа, математика,  
муаммо (шеърда яширингани сўзларни то-  
пиш) бўйича етук илмига эга бўлганлигига!  
Бурини замидира нима орзу ётибди?

Саволга жавобни орадан беш аср  
тибб, жадидлар ҳаракатида топиши мум-  
кин. Улар мадрасаларда табиий фанлар  
үқитилмаслиги, бу жиҳатдан илғор Ев-  
ропа мамлакатларидаги илм-маърифат  
даражасидан жуда ортда қолиб кетганини  
масаласини кўтия, янги тартибдаги  
мактаблар очади, дунёвий фанлардан  
ҳам таълим берила бошлади. Дикқат  
қаратиш керак бўлган жиҳат шуки, шўро  
замонига қадар хотин-қизлар уйлар-  
да савод чиқарган, қизлар мактаблари  
бўлмаган. Қизлар мадрасаси ҳақида-ку

хайл қилишнинг ўзи имконисиз эди.

Қаранг, Навоий ўн даврида ўн қизнинг ўн  
фандада моҳирлигини ёзяти. Бу таҳлилар  
асосида ҳеч иккilanmasdan "Навоий тему-  
рийлар даври жадиди эди", деб оламиш.

**ВАЪДАГА ВАФО**

Фарҳод тоққа сув чиқарди. Шунинг ша-  
рафига саройда шоҳона меҳмон қилинди.  
Ҳаммаси яхши эди. Ширил кўнглида ҳам  
Фарҳодга мухабbat жўш урган эди. Шундай  
бир яхши кунда Ширилнинг таърифи Эрон  
шоҳи Ҳусрав Парвезга этиб боради. Ҳус-  
рав бу масалада яқин дўсти, донишманд  
Бузург Умиддан маслаҳат сўрайди. У совчи  
юбориши фикрини айтиб элан, Мехинбонуни  
"кордон", яъни "ишининг кўзини бўлуочи",  
"доно", Ширил ("парипайкар")ни эса "бисё-  
рдон", яъни "кўп нарсани бўлуочи" деб эшиг-  
ганини айтиди:

Эшитмишменки, Бону кордондур,

Пари пайкар дого бисёрдондур.

Ширилнинг бу сатрларида ҳам аёллар-  
нинг ақлини илм-маърифатни эканини  
қайд этиш бор.

Мехинбону совчиларга нима деб жавоб  
бериши билгим боши қотади. "Ҳўй" деса,  
Фарҳод нима бўлади, "йўй" деса, Эрон шоҳи  
уни ва мамлакатини тинч қуддими? Совчи-  
ларни маслаҳатлашишини айтиб жўнатади.  
Охири Ширилнинг ўзини ҳам бу машмашадан  
хабардор қиласди. Кутимаган бу тағдан  
унинг фифони фалакка чиқиб:

Бошимга тигуғ ғам сурсане, не бўлгай,

Бу сўз дегунча ўлтурсане, не бўлгай?!

...Манга Фарҳод ишку тухмати бас, –  
дейди.

Менга не ишку, не ошиқ ҳавасдур,

Агар мен одам ўлсан, ушибу басдур!

"Ушбу" деганда Фарҳод билан боғлиқ  
иш-муҳаббати мажоралари кўзда тутилган.  
Бунду Ширилнинг одоби намоён бўлади.

Фарҳодни Ҳусрав ҳийла билан ҳалок эта-  
ди. Ширил унинг дардидаги куйиб, бир неча  
карра ўзини ўлдиришга уринади. Ҳар гал  
одамлар бунга ҳалақат қиласди. Чунки Мех-  
инбону унга кечакундуз коровуллар та-  
йинлаган эди.

Охири Мехинбону Ҳусрав билан яраша-  
ди. Қамал қилинган шаҳар дарвозалари  
очилади. Ширилни Эрон шоҳига беришга  
резилик билдирилди. Ширил тогда Фар-  
ҳод бунёд этган қаср зиёратига изн сўрай-  
ди. Ҳусрав ноиложлиқидан розилик беради.  
Ширил от устидаги шоҳона қажавада тоғ  
сари ўйл олганда Ҳусрав лашкарининг  
бари саф торади. Улар орасида шаҳзода  
Шеруя ҳам бор эди. Ширилнинг ҳуснини  
кўриб унинг кўнглига ишқ ўти тушади.  
Оромини йўқотади. Йўлаб-йўлаб, отаси-  
ни ўлдириш режасини тузади. Ҳусравнинг  
зумли ҳаддидан оштани учун аёйнлари  
шаҳзода тарафга ўтади. Отани ўлдириш  
таҳтига ўтиради-да, Ширилнинг совчи юбо-  
ради.

Ширил эса оқила, вафодор қиз. Ичиди  
масалани пухта ҳал қилиб олади:

Ани кўрмакдин ўлмак яхшироқдур!

Бу Ширилнингнина қўлидан келадиган  
мардлик ва қатъият эди.

Ширил эса оқила, вафодор қиз. Ичиди  
масалани пухта ҳал қилиб олади:

Ани кўрмакдин ўлмак яхшироқдур!

Бу Ширилнингнина қўлидан келадиган  
мардлик ва қатъият эди.

150 килограммли гуманоид робот бемор-  
ларнинг тагликларни алмаштириш, ётқ  
ярасининг олдини олиш учун уларни ағда-  
риб турниш, уларга ўтиришга ёрдам бериси,  
пайп кийдириш, тухум қовуриш, кийим-  
ларни таҳлаш ва бошқа майший юмушлар-  
ни бажара олади.

Туркия ҳам шундай роботларни йўлга  
кўйинши режалаштиришади. Чунки "темир  
одамлар" ҳам арzon, ҳам ишончли эканли-  
ги таъкидланган.


**ЧАРБАЗОБОНЛИФ**

Навоий кўллаган бу сўз lugatda "ширин-  
забонлик", "тиләгламалик" тарзида изоҳла-  
нади. Ширил донолик қиласди. Навоий тили  
билан айтганда, "чарбазонлик" билан Ше-  
руяга шарт қўяди: "Аёваль Фарҳоднинг хур-  
матини бажо келтириб, эзасини тутай,  
кейин сенинг ҳукми фармонингда бўлай,  
кўнмасане, мени тирик кўрмайсан", дейди.  
Шеруя ноилож кўнади.

Шопур ўйлошчилигига тағдан Фарҳод  
жасадини топишида-да, шоҳона қажавада  
солиб, ўзи бунёд этган қасра қўйишиади.  
Ширил Мехинбонудан руҳсат сўраб, Фар-  
ҳод жасади билан видолашмокчи эканини  
билиди. "Одамлар ҳалалат қўлмасин",  
деб ҳам илтимос қиласди. Қасра қирб,  
эшикни ичкаридан кулфлайди-да, ўлик ёри  
бағалига қиласди, жон беради.

**МАКТАБОШЛАР**

"Лайли ва Мажнун"нинг 11-бобида тас-  
вирланишича, Қайс, яъни Мажнунни Лай-  
лининг отаси қизи учун бунёд этган мактаба-  
га ўқишига беришид. У ўқиши бошлаган  
кунлари Лайли ўйида бетоб ётган, давола-  
наётган эди. Тузалиб, ўқишига келган куни  
уни кўрган маҳзун Мажнун кўнглида ишқ  
оловланди.



Бизни қизиқтирган масала шундаки, Навоий  
бу ерда, биринчидан, қизи учун мактаб  
курдириган отани, иккинчидан, мактабда  
ўғил болалар билан қизларга бирга таълим  
бериладиганни ёзяти. Амалда эса бис XX  
асрда келибигина минг машақкат билан ўти-  
қизлар бирга таълим оладиган мактабларга  
эришидик.

Булюнг шундай роботларни йўлга  
кўй



## МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# “МЕН АЁЛ ЗОТИДА БИР ЖАҲОН КЎРДИМ...”

**Халқимиз азал-азалдан аёлга эҳтиромни келажакка эътибор санаб, бу эзгу аъмлони ҳамиша баланд тутиб, юксак қадрият сифатида эъзоzlаб келади. Зотан, миллатнинг буюклиги илм-маърифатли аёлларга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савиися бёлгилайди”, деб таъкидлаганлари бежиз эмас.**



Расулжон Раҳимовнинг аёли Раҳбархон ва қизи Фарида. 1953 йил, Андижон.

чиқмоқда”, деди фаҳр билган.

Яна бир муҳим жиҳат – хотин-қизларнинг хорижда ўқиши масаласи. Қизлар шундогам оддиг мактабга қатнашининг ўзиёқ жиҳдий қаршиликларга учраётган бир вактда уларнинг таҳсил учун хориқта йўл олишини њех иккиманӣ жасорат аташ мумкин. Ёш шоир Боту 1922 йил кузагида Германияни ўқишига отланган талабакизлардан бирига, моҳиятн эса барчасига қарат “Эҳтиёт бўл, гўзал куш” номли шеър бидади. Шеъръ-шеъръ, биргина “эҳтиёт бўл”нинг ўзида аёлни қанчалар авайлаб-асрас, парвонизи қиймаслик ва яна... эр киши бўлиб аёл тақдидран хавотир олиси сезилади.

Холбукни, тарих саҳнада ҳали номлари зикр этилмай, аммо ёзилса ҳар бири алоҳида китоб бўлгугулар нафосат қиссалари бисёр. Ҳалқни маърифатта, хурриятига уларнинг ҳиссаси-хизматлари озми дейсиз? Қатагон домига тушган ҳар бир жадиднинг ахли аёлни кечинмалари, таъбир жоиз бўлса, ўз ҳолича жасорат китоби бўлиб ўқилгай. Улардан ўқ имай қолган иккি китоб, иккى ёзик, иккى мунисса – Маҳфират она Юсурова ҳамда Раҳбархон ага ҳақида сўйлаймиз.

Маҳфират она Юсурова (Ўрозалиева) – Андижон шаҳрида илк бор мусулмонлар советини ташкил этган, 1921 йили большевиклар томонидан отиб ташланган жадид, олим Саттор Жаббор бу ўтили мисраларни немис тилига ўтириб, “...эзилган Миллатим” ахволотини оламга ёдди. Бу њадда таржимоннинг ўзи: “Советлар қанчалик босим қилмасин, адабиётимиз Чўлпонларни етишибириша давом этмоқда, миллатнинг орзу-максадлари шу фидойи қизнинг қалбидан отилиб

Андижондаги “Бешбош”, сўнгра Андижон ёғ-мой заводида бадиий ҳаваскорлар тўғрагини ташкил этди. Аслида, бу аёл макоми-мартабасини яқин сезиш учун унинг таълим-тарбиясида бўлган кўплаб атоқли санъаткорлардан Ҳалқ артистылари Тамараҳоним, Ҳалима Носирова, Гавҳар Раҳимовани санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Шогирдлар ҳар сафар Андижонга қадами етганда устозини, албатта, йўқлашар, хонадонида тонготар сухбатлар куришади.

Маҳфират она ўша қаттол замонда бевакъ јашаб ўтган кўпсоноли аёллардан эдики, олдинига отаси, кейин турмуш ўрготи (жадид, дипломат Акбар Үроздалиев) қатагон тигфа унраганда нажот, адодат истаб кирмаган эшиги қолмайди, тегишил идораларга бетиним ариза, илтинослар йўллайди. Уларнинг саъи-ҳаракатлари билан падари бузурковори ҳамда турмуш ўтишнинг номлари оқланиб, бугун Андижон кўчапарига бу жадидлар исми қўйилиб, номлари абайдийлаштирилган.

Раҳбархон ани эса росмана матонат тимсоли, десак янглиш бўлмайди. Турмуш ўрготи таникли жадид, сиёсий раҳбар, публицист, драматург Расулжон Раҳимов ҳалқ орасида обру-эътиборга эга ижодкорлардан эди. Унинг қаламига мансуб “Онтириш”, “Хоин” драмалари 30-иyllarda Андижон ва ўш театрлари саҳнасида намойиш этилиб, томошабинлар оқишига сазовор бўлган. Шундай маърафитлар вар инсоннинг рафиқаси бўлиш Раҳбархон ая зиммасига улкан масъулият юкласа, Расулжон Раҳимов учун “Ўзбекистоннинг неча қизлари ичдан саралаб, зўрга дийдорига етган” ёр би-

лан турмуши – оиласда ҳаловат, ижодда унум, ҳаётда фароғат эди. Токи...

1937 йил 21 август. Раҳбархон аянинг яқин қариндошларидан беш киши: турмуш ўрготи Раслужон Раҳимов Андижонда ўз ўйда, амакиси Усмонхон Эшонхўжаев Москвада, тоғаси Шоҳруҳ Холботиров Самарқандда, тоғаси Султонмаҳмуд Холботиров ҳамда амакиси Маматхон Эшонхўжаев – бари ҳибга олиниади. Раҳбархон ая ёлғиз боши билан бешовлонни аввалига оила бағрига қайташи учун елиб-юргурган бўлса, отув ҳукмидан сўнг помарни оқлаш учун ўзини ўқса-чўқка урди. Бояқиши, турмуш ўрготи нинг фожиали тақдирини билиш, ҳақиқатни тиклаш илинжида узоқ Ҳабаровск ўлкасига, НКВД-ни Амурск лагеригача йўл босади.

Шу ўринда маҳбус Раслужон Раҳимов ўзининг беъблиги юзасидан Ўзбекистон ССР Бош прокурорига йўллаган мурожаатига кўз ташлар эканмиз, ариза ноҳақ қамалган маҳбус холатидан кўра кўпроқ соғинч ифодаси ўлароқ ўқилишига гувоҳ бўламиш. Мана, ундан парча:

“Қимматли рафиқам! Сизга соғинчли саломларни “қўндириши” сўнгидай айрипик азоби орқада колиб, севинчи кунларнинг тез етеву ва дийдор кўришувни тилайман. Мени ёниниздан олиб кетсанга вакти эрталаб бўлиб, устингизда қизил кўйлак бор эди. Камта кўча устиди туриб: “Қачон келасиз?” деганингизда НКВД ходими “соат 12 ларда келади”, деб айтиб эди.

Буғун улар айтган “12”ларнинг нечтаси ўтиб кетди. Тўрт йўлдирки Сиздан, кўзим нури кизимдан ўроқдаман. Ахир бу кунлар қанча оғир ва мудҳиш бўлмасин, кўз ўнгимдан бир минут нари кетмайсизлар. Менга қараб “Қачон келасиз?” деган сўнгизи ҳозиринга айтмандан кулогимга товуш берди турар. Раҳбар, мен маънавий жиҳатдан ўлик ва руҳий тарафдан соглигини ўйқотган, қолаөвса, ҳамма нарсадан жудо бўлган, айниска, Ўзбекистоннинг неча қизлари ичидан саралаб, зўрга дийдорига етган сўйгилмандан узоқдаман. Биссанеиз, бу мен учун осон бўлмас. Аммо бир нарса, у ҳам бўлса ҳукумат адолат қилар, ишиим текширилар, бу кутаётганлар жадоридан Ватанимиза қайтарман... Мана шу умид мени ушлаб турди, шу умид билан жайман”.

Аёл наинки ҳамма замонлар, ҳар қандай шароитда ҳам муқаддас мўжиза! Уни шундайн мукаддас билган, эъзоzlаган инсоннинг-да, миллатнинг-да эртаси ёрқин бўлажак. Шоир ёзганидек: “...Мен аёл этида бир жаҳон кўрдим, У барча инсоннинг маъсум бунёди”. Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

БОҚИЙ МЕРОС

## ИБРАТДАН ИБРАТ ОЛАЙЛИК



ҳаётida чуқур илдиз отган турли хил иллатларни бартараф этишга, кундалик маший мумкинлар билан ўралаша келиб, миллат ва мамлакат тақдирини унтиб кўяётган ёшларни ўқиб-изланишига, бунёдкорликда дъаъват янграйди. Ҳалқимизни ягона максад ўйлида бирлаштириш, илғор давлатлардан ибрат олиб янгиликка интилиш, ёшларни илм-фан чўққиларини ётлашуга ундаш унинг ёнг катта орзуси эди.

Биз иллатларни ўқишига кирганимдан сўнг буюк бомбозини мутлақ юнгидан кашш ётдим. Бунда менга Ибрат бомбозининг “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Танланган асарлар” и жуда катта ёрдам берди. Тўғрисини айтсан, ушбу китобни иккى марта ўқиб, ҳар сафар ундан янгидан- янги ҳикматлар топавердим.

Ибрат домланинг ҳар бир чиқиси, адабий-маърифий асарлари, мақолаларида одамлар

ғидан қутқаришни ният қилган эди. Бугун битта хорижий тилни чала ўрганиб, кўқсига урадиган тендошларимга ўз вақтида Ибрат бобомизга ёттига тилини мукаммал билганини эслатиб қўйим келади.

Ҳозирги кунда ёшларнинг ўқиши, ишлари ва муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароитлар яратиб берилган. Бундан юз йил аввал Ибрат бобомиз орзу қилган кунлар етиб келди. Ҳуш, биз, бугунги ёшлар жадид боболаримизга ҳақиқий изодш бўла олямизми? Ҳоизда, ҳаётда улардек бўлишига ҳаракат киляпимиз? Биз бугун бир пайтлар жадид боболаримиз орзу қилганидан-да кўпроқ шароит ва имкониятларга эга бўлсак-да, айрим тендошларимизнинг бунинг қадрига етмасдан, кимматли вақтни бехуда совураётганини кўрганда ана шундай саволларда менинчлик бермайди.


Чиндан ҳам ҳозир ёшлар учун барча нарса муҳайё! Ўзимдан мисол келтирадиган бўлсам, мен мұхтарам Президентимиз томонидан яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланынган, дәя оламан. Масалан, ҳозирда дуал таълим йўналиши бўйича ўқийман, янын тушинкка барча замонавий, кулай ва шинам аудиторияларда таҳсил оламан.

Ўқишидан сўнг Қатагон курбонлари хотираси музейда ишлайман. Музей институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг севимли масканига айланган. Шунингдек, туманимиз, вилоятимиз, жатто мамлакатимизнинг олис худудларидан келдиган меҳмонлар учун ҳашимигизи ҳамшиша очиқ.

Шукурки, биз аждодларимиз орзу қилган дориломон кунларда яшаётган баҳти кулган ёшлармиз. Буни хис қилишнинг ўзиёқ қишига ўзгача куч-куват, иштиёқи багишлаш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Биз буюк алломаримиз, хусусан, жадид боболаримизнинг орзуларини рўёбга чиқаришга масъуль эканлигимиз асло унтумаслигимиз зарур.

Дурдана ЗОКИРОВА,  
Наманган давлат чет тиллари институти  
таалабаси

## ХОТИРА АЗИЗ



## ҚАТАГОН

## ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шоқиржон Раҳимий – 1893 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1909 йили отасидан айрилгач, ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1914 йили ёзги мавсумда маҳаллий аҳоли орасидаги прогрессив йўналишида кенг ёйлиган “Садои Туркистон” газетасида мусаххислик қилган. Октябр тўнтиришидан сўнг мактабларда ва Тошкент Эски шаҳар ҳалқ маорифи бўлимида инструктор, 1918 йилдан партия аъзоси, 1921 йилдан Тошкент Эски шаҳар сийсий маориф мудири, 1923 йил ҳалқ маорифи бўлими мудири, Тошкент обалии мудири бўлиб ишлаган.

Абдурауф Фитрат ва Қаюм Рамазон билан ҳамкорликда “Катталарга ўқиши”, “Алифбе” дарслиги, “Катталар йўлдоши”, “Катталар алифбоси”, “Савод”, “Ўзбек тили”, “Иш китоби” сингари дарслик ва ўкув кўлланмаларга муаллифлик қилган. 1930-1931 йилларда “Миллий истиҳод”чилар устидан бўлиб ўтган суддан кейин Тошкент маориф тизимидағи муассасаларда ишлаган. Миллат болаларини саводли қилиш йўлидига фидойи хизмати мустамлака тузум томонидан ақслинкилобий ҳаракат сифатида баҳоланиб, 1937 йил 5 августда ҳалқ душмани сифатида қамоқа олинган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси саёр сессиясининг 1938 йил 5 октабрдағи йиғилишида отувга ҳукм қилинган.

Абдуқонам Мадалимов – 1882 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибса олингунга қадар Тошкент шаҳрида яшаган. 1929 йили 6 ноябрда қамоқа олинган. Босмачиларни ўйжой билан таъминлашда, 1929 йили олиғи тўлашдан бош тортган бойларни яширганидек, батракларни устидан язаозлашда, сиёсий ҳаётда советларга қарши тарбибот олиб борганиларни айланган. 1931 йил 25 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58/10-, 59/3-моддадарига биноан 10 йил муддатга концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 29 марта реабилитация қилинган.

Шорасул Зуннунов – 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Мактабда ўқитувчилик қилган. 1929 йил 6 ноябрда қамоқа олинган. Босмачиларни ўйжой билан таъминлашда, 1929 йили олиғи тўлашдан бош тортган бойларни яширганидек, батракларни устидан язаозлашда, сиёсий ҳаётда советларга қарши тарбибот олиб борганиларни айланган. РСФСР Жиноят кодексининг 2-кисми 58-моддаси 10-бандига асосан ОГПУ коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан Шорасул Зуннунов 10 йил концлагерга ҳукм этилган.

Ҷўқуб Омон – 1903 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Янги Фарғона” газетасида тилмолчилик қилган. “Миллий истиқол” ташкилоти раҳбариятининг курбонлари курорида айборд деб топилган. РСФСР Жиноят кодексининг 2-кисми 58-моддаси 10-бандига айборд деб топилган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-банди ва 10-моддаси биноан ОГПУ коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги یиғилишида 10 йил муддатга концлагерга ҳукм этилган. Ёқуб Омон 1989 йил 4 апрелдаги реабилитация қилинган.

